Тошкент оқшоми

2019 ЙИЛ 25 ОКТЯБРЬ, ЖУМА

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 161 (14.008)

Баҳоси эркин нархда

БУГУНГИ БУНЁДКОРЛИК ИШЛАРИМИЗ ЭЛ-ЮРТИМИЗ УЛКАН САЛОҲИЯТИНИНГ ЁРҚИН ИФОДАСИДИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 24 октябрь куни Тошкент шаҳрида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари ва йирик лойиҳалар билан танишди.

Давлатимиз раҳбари Тошкент метрополитенининг Юнусобод йўналиши иккинчи босқичида олиб борилаётган қурилиш ишларини кўздан кечирди.

Кейинги йилларда Тошкент метрополитенини ривожлантириш, унинг янги йўналишларини ишга тушириш ва йўловчиларга янада қулайликлар яратиш борасида улкан ишлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, шаҳар транспорт тизимини ривожлантириш стратегиясига мувофиқ, метрополитен аҳолига пойтахтнинг исталган ҳудудига тез ва хавфсиз етиб олиш имконини беради. Бундан ташқари, барча метро йўналишларида бепул Wi-Fi ишламоқда, келаси йилдан Тошкент метрополитенида уяли алоқа тизимини йўлга қўйиш режалаштирилган. Буларнинг барчаси метрода йўловчи ташиш қўламини бир неча баробар оширишга хизмат қилади. Айни пайтда ушбу жамоат транспорти хизматидан кунига 240 минг йўловчи фойдаланса, жами 21 километрдан иборат учта янги – Юнусобод, Сергели ва Қўйлиқ йўналишлари қурилиши натижасида яна 150 мингдан зиёд киши қамраб олинади. Бу аҳолига катта қулайлик яратиш баробарида, кўчалардаги тирбандликни бартараф этиш ва йўловчилар хавфсизлигини таъминлашда муҳим омил бўлади.

Президентимизнинг 2016 йил 7 ноябрдаги қарорига мувофиқ, барпо этилаётган метрополитеннинг Юнусобод йўналиши иккинчи босқичи бу борадаги ишлар кўламини кенгайтиради.

Иншоотнинг умумий қиймати 103,8 миллион доллар бўлиб, қурилиш бошланганидан буён 67,5 миллион долларлик иш бажарилган. “Шаҳристон” бекатидан қарийб 3 километр йўл тортилиб, иккита янги – “Юнусобод” ва “Туркистон” станциялари қурилган. Туннелнинг ўнг қисми тўлиқ бурғиланиб, темир-бетон билан мустаҳкамланган. Чап туннелни бурғилаш, ташқи муҳандислик-коммуникация тизимларини кўчириш тез кунларда якунланади. Янги метро бекатларида қурилиш-монтаж ишлари жадал олиб борилмоқда.

Давлатимиз раҳбари “Туркистон” бекатида амалга оширилаётган ишларни кўздан кечириб, қурилиш сифати ва йўловчилар учун қулайлигига алоҳида эътибор қаратди.

– Бу бунёдкорлик ишлари халқимизга бўлган юксак эҳтиромимиз ифодасидир. Шу боис, энг муҳими, сифатга эътибор қаратиш керак, – деди Шавкат Мирзиёев.

Қурилиш ишларига Германия технологияси ва мутахассислари жалб этилган. Сифат ва хавфсизлик ҳам Германия стандартларига мувофиқ бўлади.

Давлатимиз раҳбари бу ерга ўтган йилги ташрифи чоғида метрополитен ва автобус қатновларини оптималлаштириш бўйича кўрсатмалар берган эди.

Ҳисоб-китобларга кўра, мазкур босқичнинг ишга туширилиши натижасида Юнусобод туманида қатнайдиган автобуслар сони ва масофаси анча қисқариб, кунига 5,5 тонна ёқилғи иқтисод қилинади. Йўловчиларнинг манзилига етиб олиши 20 дақиқага тезлашади.

Шу ерда “Буюк ипак йўли” метро бекатидан “Тошкент трактор заводи” автошоҳбекатигача бўлган янги йўналиш, Самарқанд халқаро аэропортининг янги терминали лойиҳалари тақдимоти ўтказилди.

Президент Чилонзор туманидаги “Ориент керамик” масъулияти чекланган жамияти фаолияти билан танишди.

Мамлакатимизда маҳаллий хомашёни чуқур қайта ишлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу жараёнда экспортга йўналтирилган янги турдаги рақобатбардош қурилиш материаллари ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш ва ушбу маҳсулотларга бўлган ички эҳтиёжни қондиришга алоҳида эътибор қаратилаётир. Бу эса маҳаллий ва хорижий тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш борасида кенг имкониятлар яратмоқда.

Давлатимиз раҳбари 2017 йил Чилонзор туманига ташрифи доирасида “Ориент керамик” корхонаси лойиҳаси билан танишган, уни ўз вақтида ва сифатли якунлаш бўйича кўрсатмалар берган эди. Шундан сўнг корхонага Чилонзор тумани ҳудудидан 3,6 гектар жой ажратилди. Ўтган вақт мобайнида замонавий корхона биноси қад ростлаб, хориждан керамика маҳсулотлари ва кафель ишлаб чиқарадиган ускуналар келтириб ўрнатилди.

Шавкат Мирзиёев мазкур корхонанинг ишлаб чиқариш жараёни билан танишди, ишчилар билан мулоқот қилди.

Жорий йил июль ойида фаолият бошлаган корхонанинг умумий қиймати қарийб 14 миллион доллар бўлиб, йилига 3,6 миллион квадрат метр керамик маҳсулотлар ишлаб чиқариш қувватига эга. Айни пайтда бу ерда 270 ишчи ва мутахассис меҳнат қилмоқда.

Аҳамиятли жиҳати, корхона маҳсулотлари деярли 100 фоиз маҳаллий хомашёдан тайёрланмоқда. Шу боис бу ерда тайёрланаётган кафеллар хорижникидан бир неча баробар арзон нархларда ички бозорга чиқарилмоқда.

Айни пайтда корхона маҳсулотларининг 30 фоизи Қозоғистон, Тожикистон, Қирғизистон ва Афғонистонга экспорт қилинмоқда. Ўтган ойларда 500 минг долларлик маҳсулот экспорти амалга оширилган.

Президентимизга “Ориент керамик” МЧЖ томонидан 2020-2021 йилларда амалга оширилиши белгиланган лойиҳа ҳақида ҳам маълумот берилди. Умумий қиймати 25 миллион доллар бўлган лойиҳа доирасида йилига 7,3 миллион квадрат метр импорт ўрнини босувчи керамогранит кафеллар ишлаб чиқариш кўзда тутилган. Ушбу маҳсулотлардан асосан бино ва иншоотларнинг ташқи қисмини безашда фойдаланилади. Корхона ишга туширилгач, яна 700 та янги иш ўрни яратилади.

Ўзбекистонда илк бор амалга оширилаётган ушбу лойиҳа натижасида 120х60, 90х30, 80х40, 80х80 ўлчамдаги замонавий кафеллар ишлаб чиқариш йўлга қўйилади. Ҳозирда ана шундай маҳсулотлар мамлакатимизга тўлиқ импорт қилинмоқда.

Давлатимиз раҳбари ушбу жамият негизида барча вилоятларда кичик корхоналар ташкил этиш, логистикага қулай жойлар ажратиб, уларни керамик маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи кластер тизимида ишлатиш, маҳсулот турини кўпайтириб, нархини туширишга эвазига экспорт ҳажмини ошириш зарурлигини таъкидлади.

Шу ерда Тошкент шаҳрида саноат ва хизмат кўрсатиш соҳаларида амалга оширилиши режалаштирилган лойиҳалар тақдимоти ўтказилди.

Давлатимиз раҳбарига Чилонзор тумани жанубий-ғарбий саноат ҳудудида амалга оширилган лойиҳалар ҳақида маълумот берилди. Унга кўра, 313 гектар майдонда ташкил қилинган 256 корхонада 9600 дан зиёд иш ўрни яратилган.

Шавкат Мирзиёев ҳар бир лойиҳани ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш бўйича аниқ вазифаларни белгилаб берди.

“Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти буюртмаси ва “Боштранслойиҳа” акциядорлик жамияти лойиҳаси асосида “Кўприк қурилиш трести” унитар корхонаси томонидан барпо этилаётган Тошкент метрополитенининг Сергели метро йўналишида қурилиш ишлари авжида.

Давлатимиз раҳбари мазкур йўналишда олиб борилаётган қурилиш ишлари билан танишди.

Лойиҳа доирасида узунлиги 7,1 километр бўлган метрополитен линияси ва 6 та бекат қурилиши белгиланган. Объект қурилишига 82,6 миллион доллар маблағ сарфланади.

2017-2020 йилларда қуриб битказилиши режалаштирилган лойиҳа бошлангандан буён 42,44 миллион долларлик иш бажарилган. Айни пайтда “Чоштепа”, “Тошкент халқа йўли”, “Сергели”, “Афросиёб”, “Қипчоқ” ва “Чинор” каби 6 та бекатда қурилиш-монтаж ишлари давом этмоқда.

Жумладан, “Тошкент халқа йўли” бекатида ташқи фасадни мармар билан қоплаш, электр ёритиш ва ташқи безак ишлари якунланган. Платформа тўсинларини монтаж қилиш ишлари тугалланган. Бекатнинг йўловчи платформаси металл конструкцияларини ўрнатиш ишлари бошланган.

“Сергели” бекатида пойдевор қуйиш, котлован қазиш, ғишт териш ва эскалатор пойдеворини қуйиш ишлари тўлиқ якунига етказилган. Қолган бекатларда ҳам бундай ишлар сифатли амалга оширилган.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, мазкур метро линиясининг аҳамиятли жиҳати шундаки, у нафақат мамлакатимиз, балки Марказий Осиёда ҳам бугунги кунгача қўлланилмаган бутунлай янгича эстакада усулида бунёд этилмоқда. Бекатларда йўловчиларга қулайлик яратиш мақсадида махсус лифт ва эскалаторлар ўрнатилади.

Президентимизга метро йўналишида олиб борилаётган қурилиш ишлари ҳақида батафсил маълумот берилди.

Сергели йўналиши Чилонзор линиясининг “Олмазор” бекатига уланади. Шу тариқа аҳоли кўп яшайдиган Сергели тумани шаҳар маркази ва бошқа туманлар билан яна бир восита орқали боғланади. Жумладан, Сергелидан метрога ўтирган йўловчи “Буюк ипак йўли” бекатигача бошқа линияга ўтмасдан етиб олиши мумкин.

Давлатимиз раҳбари Сергели йўналишининг Чилонзор йўналишидаги “Олмазор” бекатига боғланадиган қисмида амалга оширилган қурилиш ишларини кўздан кечирди.

Сергели туманининг ривожланиб бораётгани, кўп қаватли янги уйлар қурилаётгани нуқтаи назаридан бу метро йўналиши улкан аҳамиятга эга эканини таъкидлади. Йўловчиларнинг метрополитенгача етиб олиши ва метрода ҳаракатланиши учун яратиладиган шароитлар билан қизиқди?

Шавкат Мирзиёев Яшнобод туманига ташриф буюриб, ерусти ҳалқа метросининг қурилиши билан ҳам танишди.

Давлатимиз раҳбари ушбу йирик қурилиш жараёни билан бир неча бор танишган, бунёдкорлик ишларини янада жадаллаштириш ва сифатли якунлаш бўйича топшириқлар берган эди.

Узунлиги қарийб 55 километр бўлган ва 35 бекатдан иборат ушбу транспорт тармоғи метро лойиҳасининг қиймати 422,3 миллион долларга тенг. Лойиҳа беш босқичда амалга оширилади. Дастлаб метронинг “Дўстлик“ бекатидан “Қўйлиқ” бозоригача бўлган қисми қурилади. 11 километрлик масофада 7 бекат бунёд этиш мўлжалланган. Иккинчи босқичда “Қўйлиқ” бозори билан “Олмазор” бекати боғланади. Сўнг “Беруний“ бекатигача, ундан кейин “Бодомзор” бекатигача бўлган қисмлар қурилади. Сўнгги босқичда эса ҳалқа метро линияси яна “Дўстлик” бекатига уланади.

Давлатимиз раҳбари янги келтирилган поездга чиқиб, қурилиши якунланган “Дўстлик-2” ва “Оҳангарон” бекатлари оралиғида юриб кўрди, станцияларда яратилган шароитларни кўздан кечирди.

Айни пайтда “Дўстлик-2” – “Қўйлиқ” йўналишида қурилиш ишлари жадал давом эттирилмоқда. Бунёдкорлик ишларига 2 мингдан ортиқ муҳандис ва ишчи, 300 га яқин техника жалб қилинган.

Бекатлар йўловчиларга қулайлик яратувчи замонавий технологиялар, йўлкирани электрон тўлаш имконини берувчи турникетлар, эскалатор билан жиҳозланган.

“Қўйлиқ” бозоригача бўлган қолган қисмида ҳам пойдеворлар қуйилиб, таянч ўрнатиш ишлари якунланган.

ЎзА

“ОЛМАЛИҚ КОН-МЕТАЛЛУРГИЯ КОМБИНАТИ” АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИГА

Қадрли дўстлар!

Сиз, азизларни Ўзбекистон рангли металлургия саноатининг етакчиси – Олмалиқ кон-металлургия комбинати ташкил топганининг қутлуғ 70 йиллик санаси муносабати билан чин қалбимдан табриклайман.

Комбинат тарихи республикамизда рангли, нодир ва қимматбаҳо металларни қазиб олиш ҳамда уларни қайта ишлашга қаратилган мутлақо янги тармоқнинг яратилиши ҳамда йирик ишлаб чиқариш қувватлари ва замонавий Олмалиқ шаҳрининг пайдо бўлиши билан бевосита боғлиқдир. Бу тарих замирида шонли анъаналарни муносиб давом эттираётган, бутун билим ва тажрибаси, маҳорати, қалб қўрини ўз ишига бахшида этиб, фидокорона меҳнат қилаётган минг-минглаб одамларнинг жуда катта машаққатли хизматлари мужассам.

Корхонанинг бунёд этилиши мамлакатимиз иқтисодиёт тармоқлари учун стратегик аҳамиятга эга бўлган минерал бойликларни кенг кўламда ўзлаштиришга йўл очиб берди.

Сизларга маълумки, бугунги кунда юртимиз тараққиётининг янги босқичида биз саноат ва иқтисодий салоҳиятимизни ҳар томонлама ривожлантиришга устувор аҳамият қаратмоқдамиз.

Комбинат мисолида оладиган бўлсак, бу борада ўтган йили қабул қилинган “Олмалиқ кон-металлургия комбинати” акциядорлик жамияти ишлаб чиқариш қувватларини реконструкция қилиш ва барқарорлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарор корхона фаолияти учун катта имкониятлар яратиб бермоқда.

Ушбу улкан мажмуанинг кўп миллатли ва аҳил жамоаси республикамизда сўнгги йилларда амалга оширилаётган чуқур таркибий ислоҳотлар жараёнида, бутун мамлакатимизни, миллий иқтисодиётимизни тубдан модернизация қилишда фаол иштирок этаётганини барчамиз яхши биламиз ва чексиз қадрлаймиз.

Ҳеч шубҳасиз, Ватанимизнинг кучқудрати ўсишида, Ўзбекистонда қазиб олинаётган қимматбаҳо ва рангли металларнинг юксак сифати бутун дунёда алоҳида эътироф этилишида иқтисодиётимизнинг локомотиви ҳисобланган комбинатнинг 35 минглик жамоаси салмоқли ҳисса қўшиб келмоқда.

Ҳозирги вақтда мажмуа томонидан Тошкент, Жиззах, Наманган ва Сурхондарё вилоятларидаги қимматбаҳо ва рангли металлар энг илғор технологиялар асосида, етакчи хорижий компаниялар ҳамкорлигида жадал ўзлаштирилмоқда, харидоргир маҳсулотлар ҳажми оширилиб, уларнинг 70 фоиздан ортиғи экспорт қилинмоқда.

Жаҳон бозоридаги кескин рақобат шароитида ишлаб чиқаришнинг ўсиши ва самарадорлигини таъминлаш мақсадида комбинатнинг узоқ муддатли модернизация дастури ишлаб чиқилди.

Айни пайтда янги турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича йирик инвестициявий лойиҳалар амалга оширилаётгани айниқса эътиборга лойиқ. Хусусан, “Ангрен” эркин иқтисодий зонасида барпо этилган Ангрен қувур заводи, Жиззах вилоятида цемент заводи фойдаланишга топширилди.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари ҳудудида энг йирик – бир йилда 60 миллион тонна рудани қайта ишлаш салоҳиятига эга бўлган мис бойитиш фабрикаси ва бошқа замонавий ишлаб чиқариш қувватларининг қурилиши бошланди.

Энг муҳими, олиб борилаётган жадал ва тизимли бунёдкорлик ишлари натижасида маҳаллий аҳоли учун минглаб қўшимча иш ўринлари яратилмоқда.

Яқин йилларда комбинатни модернизация қилиш дастури доирасида 2023 йилга келиб ишлаб чиқариш ҳажмининг 2,5 баробарга ўсишини таъминловчи тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни ўзлаштириш режалаштирилмоқда.

Барчамиз яхши биламизки, ишлаб чиқаришни тубдан янгилаш ва илмий технологияларни жорий этиш масалалари юқори малакали кадрларни талаб қилади. Шу боис, белгиланган вазифалар ижросини тўлиқ таъминлашга қодир бўлган замонавий ва етук мутахассисларни тайёрлашга жиддий эътибор қаратилмоқда.

Олмалиқда фаолият юритаётган Тошкент давлат техника университетининг филиали, шунингдек, ўтган йили ташкил этилган Россия Федерациясининг Миллий технологик тадқиқотлар университети Москва пўлат ва қотишмалар институти филиали ушбу эзгу мақсадга хизмат қилмоқда.

Корхонанинг барча ишчи-ходимлар учун муносиб ҳаёт ва меҳнат шароитларини, уларга ҳамма қулайликларни яратиб бериш борасидаги ижобий тажрибасини алоҳида таъкидлаш лозим.

Бугун бу ерда замонавий уйлар, маданият ва спорт масканлари, равон кўчалар, кўркам ва файзли гўшалар, бир сўз билан айтганда, зарур инфратузилмалар бунёд этилмоқда. Бу беқиёс рағбат ва эътиборнинг яққол мисолини – йилдан-йилга ривожланиб, хорижий меҳмонлар ва инвесторлар учун жозибадор бўлиб бораётган Олмалиқ шаҳрининг обод ва фаровон қиёфасида ҳам кўриш мумкин.

Ҳурматли дўстлар!

Бугунги шиддатли даврнинг ўзи бутун халқимиз қатори комбинат жамоаси олдига ҳам миллий иқтисодиётимизнинг рақобатбардошлигини оширишга қаратилган муҳим ва стратегик вазифаларни қўймоқда.

Мажмуа базасида юқори технологик ва қўшимча қийматга эга харидоргир маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш, бу йўлда юртимизнинг табиий, меҳнат ва интеллектуал ресурсларидан тўлақонли фойдаланиш масалалари ғоятда долзарб бўлиб турибди.

Ишончим комилки, комбинатнинг юксак касбий маҳоратга, бой билим ва малакага эга меҳнаткашлари бу муҳим ҳамда дастуриламал вазифаларни шараф ва матонат билан уддалайдилар.

Ушбу айём муносабати билан сизларни яна бир бор самимий муборакбод этиб, барчангизга мустаҳкам соғлиқ, бахт-саодат, жонажон Ўзбекистонимиз равнақи йўлида олиб бораётган бунёдкорона меҳнатингизда янги зафарлар тилайман.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
Қ А Р О Р И

ОИЛАВИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ДАВЛАТ ДАСТУРЛАРИ ДОИРАСИДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ЛОЙИҲАЛАРНИ КРЕДИТЛАШ ТАРТИБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

2018-2019 йиллар мобайнида аҳолини тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб қилиш, ҳунармандчилик, касаначилик ва тадбиркорлик фаолиятининг бошқа соҳаларида бандлигини таъминлаш орқали уларнинг қўшимча ва барқарор даромад манбалари шаклланишига шарт-шароитлар яратиш борасида дастурий чора-тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида аҳолининг, айниқса, чекка ҳудудлардаги ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларнинг маълум бир миқдорда иқтисодий ҳолати яхшиланишига кўмак бўлди.

Шу билан бирга, кичик бизнес, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш, хотин-қизлар ва ёш авлод ташаббуслари бўйича дастурларни молиявий қўллаб-қувватлаш тизими самарадорлигини ошириш, шунингдек, давлат иштирокидаги тижорат банкларининг иш услубларини тубдан яхшилаш ва банк хизматларининг оммабоплигини ошириш орқали аҳолининг кенг қатламлари, кичик бизнес ва оилавий тадбиркорлик субъектлари билан тўлақонли шерикчилик муносабатларини ўрнатиш талаб этилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 13 августдаги ”Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатларини кучайтириш, тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш борасидаги ишларни ташкил қилиш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар, шунингдек, тадбиркорлик субъектларининг молиявий ресурслар ва ишлаб чиқариш инфратузилмасидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш тўғрисида”ги ПФ–5780-сон Фармонида белгиланган вазифаларни изчил амалга ошириш ҳамда кичик бизнес, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш, хотин-қизлар ва ёш авлод ташаббусларини қўллаб-қувватлаш борасидаги дастурларда давлат ресурсларидан оқилона фойдаланиш, уларнинг мақсадлилигини таъминлаш ва самарадорлигини ошириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17 ноябрдаги “Ҳунармандчиликни янада ривожлантириш ва ҳунармандларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–5242-сон, 2018 йил 2 февралдаги “Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–5325-сон ва 2018 йил 27 июндаги “Yoshlar – kelajagimiz” Давлат дастури тўғрисида”ги ПФ–5466-сон Фармонлари, 2018 йил 26 апрелдаги “Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари фаолиятини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ–3680-сон, 2018 йил 7 июндаги “Ҳар бир оила – тадбиркор” дастурини амалга ошириш тўғрисида”ги ПҚ–3777-сон, 2018 йил 14 июлдаги “Аҳоли бандлигини таъминлаш борасидаги ишларни такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–3856-сон ва 2019 йил 7 мартдаги “Ҳудудларда аҳолини тадбиркорликка кенг жалб қилиш ва оилавий тадбиркорликни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ–4231-сон қарорлари билан республикада **кичик бизнес, оилавий тадбиркорлик, аҳолининг ўзини ўзи банд қилишни ривожлантириш, аёллар учун имкониятларни ошириш ва ёш авлодни қўллаб-қувватлашга қаратилган давлат дастурлари** (кейинги ўринларда – Дастурлар) амалга оширилаётганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

(Давоми 2-бетда)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
Ф А Р М О Н И

“ОЛМАЛИҚ КОН-МЕТАЛЛУРГИЯ КОМБИНАТИ” АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИНИНГ 70 ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ИЛҒОРЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизнинг иқтисодий қудратини юксалтириш, кон-металлургия саноатини замонавий технологиялар асосида ривожлантириш ва унинг барқарор ишлашини таъминлаш, экспорт салоҳиятини ошириш йўлидаги улкан хизматлари, тизимни тубдан такомиллаштириш, жаҳон андозаларига мос янги корхоналарни ташкил этиш, стратегик аҳамиятга эга бўлган минерал бойликларни самарали ўзлаштириш ишларига қўшган муносиб ҳиссаси, кўп миллатли меҳнат жамоасида дўстлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш, юқори малакали кадрларни тайёрлаш борасидаги ибратли фаолияти учун қуйидагилар мукофотлансин:

“Фидокорона хизматлари учун” ордени билан

Анарбаев Алижон Миноварович – “Олмалиқ кон-металлургия комбинати” акциядорлик жамиятининг мис эритиш заводи металлургия цехи эритувчиси

Хатамов Масидик Жавакович – “Олмалиқ кон-металлургия комбинати” акциядорлик жамиятининг Ангрен кон бошқармаси Қизил олма шахтаси портлатувчиси

(Давоми 2-бетда)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
Ф А Р М О Н И

“ОЛМАЛИҚ КОН-МЕТАЛЛУРГИЯ КОМБИНАТИ” АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИНИНГ 70 ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ИЛҒОРЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

“Меҳнат шуҳрати” ордени билан

Ашурматов Ғани Тухтаматович – “Олмалиқ кон-металлургия комбинати” акциядорлик жамиятининг Чодак кон бошқармаси Пирмироб шахтаси лаҳим ўтувчиси

Исаков Махамадамин Мамадумарович – “Олмалиқ кон-металлургия комбинати” акциядорлик жамиятининг Қалмоққир кон бошқармаси директори

Князькин Михаил Николаевич – “Олмалиқ кон-металлургия комбинати” акциядорлик жамиятининг марказий таъмирлаш-механика заводи механика-йиғув цехи сайқалловчиси

Мирахмедов Хасан Тургинович – “Олмалиқ кон-металлургия комбинати” акциядорлик жамиятининг 2-мис бойитиш фабрикаси директори

Рахманов Музафар Абдикаримович – “Олмалиқ кон-металлургия комбинати” акциядорлик жамиятининг автомобиль транспорти бошқармаси “БелАЗ” автомашинаси ҳайдовчиси

Седов Сергей Анатольевич – “Олмалиқ кон-металлургия комбинати” акциядорлик жамиятининг Қалмоққир кон бошқармаси шарқий карьери экскаватор машинисти

Сидиков Равшан Мирзабекович – “Олмалиқ кон-металлургия комбинати” акциядорлик жамиятининг мис бойитиш фабрикаси директори

Усманова Саяра Душабаевна – “Олмалиқ кон-металлургия комбинати” акциядорлик жамиятининг мис бойитиш фабрикаси бойитиш маҳсулоти назоратчиси

Холбаев Мирзадулла Жангилович – “Олмалиқ кон-металлургия комбинати” акциядорлик жамиятининг мис эритиш заводи мис электролизи цехи катодчиси

Хузин Вагиз Кадимович – “Олмалиқ кон-металлургия комбинати” акциядорлик жамиятининг рух заводи электролит цехи эритувчиси

“Дўстлик” ордени билан

Абдулаева Ленура Решатовна – “Олмалиқ кон-металлургия комбинати” акциядорлик жамиятининг портловчи материаллар заводи етакчи муҳандис-технологи

Абдулҳаметов Аҳмаджон Абдулмажитович – “Олмалиқ кон-металлургия комбинати” акциядорлик жамиятининг Чодак кон бошқармаси директори

Азимов Тургунбек Ибрагимович – “Олмалиқ кон-металлургия комбинати” акциядорлик жамиятининг марказий таъмирлаш-механика заводи темирчилик-пайвандлаш цехи чилангари

Байматов Абдумажит Ниязович – “Олмалиқ кон-металлургия комбинати” акциядорлик жамиятининг Ангрен кон бошқармаси Кўчбулоқ шахтаси машинисти

Дромашко Алексей Владимирович – “Олмалиқ кон-металлургия комбинати” акциядорлик жамиятининг автомобиль транспорти бошқармаси бульдозер машинисти

Ирназаров Шерзот Журакулович – “Олмалиқ кон-металлургия комбинати” акциядорлик жамиятининг рух заводи вельцлаш цехи катта устаси

Исакулов Нарали Уразбаевич – “Олмалиқ кон-металлургия комбинати” акциядорлик жамиятининг 2-мис бойитиш фабрикаси майдаловчиси

Караев Сервер Сериянович – “Олмалиқ кон-металлургия комбинати” акциядорлик жамиятининг саноат темир йўл транспорти бошқармаси тепловоз машинисти

Каримов Туляган Кадирович – “Олмалиқ кон-металлургия комбинати” акциядорлик жамиятининг электр тармоқлари бошқармаси тармоқлар ва нимстанциялар цехи устаси

Мамадалиев Абдухалил Аширалиевич – “Олмалиқ кон-металлургия комбинати” акциядорлик жамиятининг мис бойитиш фабрикаси майдалаш цехи ғалвирловчиси

Махмудова Мухабат Рискитулаевна – “Олмалиқ кон-металлургия комбинати” акциядорлик жамиятининг нодир металлар ва қаттиқ қотишмалар ишлаб чиқариш бирлашмаси аппаратчиси

Мухамедов Улугбек Яркинович – “SFI MANAGEMENT GROUP” хорижий корхонаси бош директори

Турсунқулов Асад Назарович – “Олмалиқ кон-металлургия комбинати” акциядорлик жамиятининг мис эритиш заводи мис электролизи цехи бошлиғининг ишлаб чиқариш бўйича ўринбосари

Хурсанов Нуритдин Жумаевич – “Олмалиқ кон-металлургия комбинати” акциядорлик жамиятининг Хонжиза кон бошқармаси шахтаси лаҳим ўтувчиси

“Шуҳрат” медали билан

Абдукадиров Илхом Азимович – “Олмалиқ кон-металлургия комбинати” акциядорлик жамиятининг рух заводи қуйдириш цехи куйдирувчиси

Анаров Ширали Ахмедович – “Олмалиқ кон-металлургия комбинати” акциядорлик жамиятининг Ковулди кони шахта усти участкаси бошлиғи

Байсупов Камолиддин Турсуналиевич – “Олмалиқ кон-металлургия комбинати” акциядорлик жамиятининг автомобиль транспорти бошқармаси “БелАЗ” автомашинаси ҳайдовчиси

Жуманазаров Баходир Иркинович – “Олмалиқ кон-металлургия комбинати” акциядорлик жамиятининг 2-мис бойитиш фабрикаси янчиш ва флотациялаш цехи тегирмон машинисти

Имомов Зохиджон Шарифович – “Олмалиқ кон-металлургия комбинати” акциядорлик жамиятининг мис эритиш заводи металлургия цехи эритувчиси

Касимов Сираджиддин Нематович – “Олмалиқ кон-металлургия комбинати” акциядорлик жамиятининг марказий таъмирлаш-механика заводи қуйиш цехи пўлат эритувчиси

Касимов Хамра Авалбаевич – “Олмалиқ кон-металлургия комбинати” акциядорлик жамиятининг мис эритиш заводи металлургия цехи ишлаб чиқариш участкаси бошлиғи

Колдакова Юлия Юрьевна – “Олмалиқ кон-металлургия комбинати” акциядорлик жамиятининг “Металлург” маданият саройи халқ жамоаси балетмейстери

Қамбаров Абдуқодир Мукумжонович – “Олмалиқ кон-металлургия комбинати” акциядорлик жамиятининг Қалмоққир кон бошқармаси устки қатламни очиш карьери бурғилаш қурилмаси машинисти

Мальцева Аида Викторовна – “Олмалиқ кон-металлургия комбинати” акциядорлик жамиятига қарашли 22-мактабгача таълим муассасаси тарбиячиси

Рустамов Отабек Илхамжанович – “Олмалиқ кон-металлургия комбинати” акциядорлик жамиятининг Ковулди кони бошлиғи

Сафаров Рустам Султанович – “Олмалиқ кон-металлургия комбинати” акциядорлик жамиятининг саноат темир йўл транспорти бошқармаси электровоз машинисти

Топилов Абдумалик Абдукаюмович – “Олмалиқ кон-металлургия комбинати” акциядорлик жамиятининг автомобиль транспорти бошқармаси “КамАЗ” автомашинаси ҳайдовчиси

Умурзаков Бахоуддин Каримович – “Олмалиқ кон-металлургия комбинати” акциядорлик жамиятининг саноат сув таъминоти цехи электр таъмирловчиси

Урунбаев Музаффар Ибадуллаевич – “Олмалиқ кон-металлургия комбинати” акциядорлик жамиятининг ихтисослаштирилган таъмирлаш ишлари бошқармаси таъмирловчи-чилангари

Хошимов Боходир Алимович – “Олмалиқ кон-металлургия комбинати” акциядорлик жамиятининг мис бойитиш фабрикаси тегирмон машинисти

Шарапова Муаззам Рамазоновна – “Олмалиқ кон-металлургия комбинати” акциядорлик жамиятининг Хонжиза кон бошқармаси бойитиш фабрикаси реагент қорувчиси

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2019 йил 23 октябрь

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
Қ А Р О Р И

ОИЛАВИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ДАВЛАТ ДАСТУРЛАРИ ДОИРАСИДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ЛОЙИҲАЛАРНИ КРЕДИТЛАШ ТАРТИБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

2. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ 2020 йил 1 январдан бошлаб:

Дастурлар доирасидаги лойиҳаларни кредитлаш **Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қайта молиялаштириш ставкаси бўйича устувор равишда АТ Халқ банки, “Микрокредитбанк” АТБ ва “Агробанк” АТБ** (кейинги ўринларда – ваколатли банклар) **орқали амалга оширилади**;

Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузуридаги Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳузурида янги иш ўринлари ташкил этишни рағбатлантириш ҳудудий жамғармалари, Хотин-қизларни ва оилани қўллаб-қувватлаш жамоат жамғармаси, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ҳузуридаги “Yoshlar – kelajagimiz” жамғармаси, Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши ҳузуридаги Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси (кейинги ўринларда – Жамғармалар) ва бошқа жамғармалар ҳисобидан **кичик бизнес, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш, хотин-қизлар ва ёш авлод ташаббусларига ваколатли банклар томонидан ажратилган кредитлар бўйича фоиз харажатларини қоплаш учун компенсация ва субсидиялар беришга рухсат этилади**;

Дастурларни молиялаштириш учун ресурслар ажратадиган Ўзбекистон Республикасининг Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ҳамда Жамғармалар ресурсларининг **2020-2022 йилларда сўндириладиган қисми ҳар ойда ваколатли банкларга Дастурлар доирасидаги лойиҳаларни молиялаштириш учун йўналтирилади, бунда ресурслар бўйича фоиз ставкаси Ўзбекистон Республикаси Марказий банки қайта молиялаштириш ставкасидан 4 фоиз паст қилиб белгиланади**.

3. Қуйидагилар:

Дастурлар доирасидаги лойиҳаларни 2020 йилда марказлашган ресурслар ҳисобидан молиялаштиришнинг мақсадли параметрлари 1-иловага;

2020 йилда ваколатли банклар томонидан Дастурлар доирасидаги лойиҳаларни кредитлашнинг мақсадли параметрлари 2, 2а, 2б, 2в-иловаларга;

Давлат дастурлари доирасида ажратилган кредит линияларни 2020-2022 йилларда қайтариш прогнози 3-иловага мувофиқ маъқуллансин.

4. Ваколатли банклар кузатув кенгашлари икки ой муддатда қуйидагиларни назарда тутувчи чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин:

барча ҳудудларда **”банк хизматлари офислари”нинг кенг тармоғини яратиш**, бунда зарур ҳолларда, мавжуд филиаллар тармоғи тузилмасини қайта кўриб чиқиш;

ахборот технологияларини қўллаш орқали **янги банк хизматлари ҳамда “модулли” кредитлаш асосида янги кредит турларини** фаол жорий қилиш;

кичик бизнес ва аҳолининг **тадбиркорлик ташаббусларини ривожлантиришга тўсқинлик қилувчи долзарб молиявий муаммоларни ҳал қилиш** қисми бўйича ҳудудларда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг Тадбиркорлар муроожаатларини кўриб чиқиш қабулхоналари билан ҳамкорлик қилиш;

банклар Кенгашлари таркибига банкларнинг бошқаруви томонидан тақдим этилган ахборот ва таклифларни амалий баҳс ва мунозара қилишга қодир **мустақил аъзоларни сайлаш орқали корпоратив бошқарувнинг замонавий усулларини жорий қилиш ва самарадорлигини ошириш**;

коррупцияни бартараф этишга қаратилган манфаатлар тўқнашувининг олдини олувчи ва тартибга солувчи сиёсатни амалга ошириш, тижорат банкларининг бошқарув аъзолари ва ходимлари томонидан риоя этилиши мажбурий бўлган ахлоқий қоидаларни такомиллаштириш;

банк ички мониторинг тизимини жорий қилиш орқали **банкларнинг “мижозга йўналтирилганлик” иш услубини янада кучайтириш**, мижозларга хизмат кўрсатишда мавжуд муаммоларни аниқлаш ва бартараф қилиш.

5. Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси 2019 йил 1 ноябрга қадар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 июндаги “Yoshlar – kelajagimiz” Давлат дастури тўғрисида”ги ПФ–5466-сон Фармони доирасида амалга ошириладиган лойиҳаларни молиялаштириш учун АТ Халқ банки устав капиталини **250 миллиард** сўмга, “Микрокредитбанк” АТБ устав капиталини **170 миллиард** сўмга ва “Агробанк” АТБ устав капиталини **290 миллиард** сўмга ошириш учун маблағлар ажратсин.

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳузуридаги Оилавий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш марказлари билан биргаликда ажратилган ресурслар доирасида ваколатли банклар молиялаштирадиган **ёшлар томонидан амалга ошириладиган лойиҳалар рўйхатини шакллантирсин**.

6. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тижорат банклари билан биргаликда ҳар бир туман кесимида Дастурлар доирасида ажратилаётган маблағларнинг мақсадли ишлатилиши ва кредитнинг қайтарилиши устидан тизимли мониторинг ва назоратни таъминласин.

7. Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва туманлар кенгашларига ҳар чоракда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси ўринбосарининг, вилоятлар, Тошкент шаҳри, туман ва шаҳарлар ҳокимлари биринчи ўринбосарларининг Дастурларни амалга ошириш самарадорлиги борасидаги ҳисоботларини эшитиб бориш тавсия қилинсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Молия вазирлиги ва Адлия вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

9. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари – молия вазири Ж.А.Қўчқоров ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки раиси М.Б.Нурмуратов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2019 йил 24 октябрь

САНОАТ ТАРМОҚЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА ОИД ВАЗИФАЛАР ИЖРОСИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев саноатни ривожлантириш, нефть-газ маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва истеъмолчиларга мунтазам етказиб бериш борасидаги ишлар таҳлилига бағишланган йиғилиш ўтказди.

Йиғилишда мутасаддилар жорий йилнинг 9 ойида ишлаб чиқариш ҳажми, прогноз параметрларининг бажарилиши бўйича ҳисобот берди. Қайд этилганидек, шу вақт мобайнида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 234,7 триллион сўмни ташкил қилиб, ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 7 фоизга ўсган. Унинг 6,5 фоизи иқтисодиёт “драйвери” – ишлаб чиқарадиган саноат ҳиссасига тўғри келган.

Хусусан, автомобилсозликда катта ўсиш суръатлари таъминланган. 2018 йилнинг шу давридагига нисбатан енгил автомобиль ишлаб чиқариш ҳажми 40 фоиз, юк машиналари 33 фоиз, автобус 3,8 марта, автомобиль двигателлари 45 фоиз ошган.

Бошқа тармоқлар бўйича олганда, трикотаж мато ишлаб чиқариш 26 фоиз, чарм маҳсулотлари 22, цемент 18, кабель ўтказгичлар 23, истеъмол товарлари ҳажми қарийб 16 фоиз ўсган.

Ҳудудлар кесимида энг яхши кўрсаткич Андижон, Наманган, Хоразм, Самарқанд, Тошкент ва Сурхондарё вилоятларида қайд этилган.

Давлатимиз раҳбарининг кичик бизнес ривожига эътибори, бу борада қабул қилинган Фармон ва қарорлари самарасида юртимизда тадбиркорлик муҳити тубдан яхшиланди. Буни жорий йил бошидан буён жами 72 минг 400 та, саноат тармоқларида 16 мингга яқин янги кичик бизнес корхоналари ташкил қилинганида ҳам кўриш мумкин. Жами кичик саноат корхоналари сони 2018 йилнинг шу давридагига нисбатан 25 фоиз кўпайган.

Тадбиркорларнинг саноатдаги улуши ҳам сезиларли ортмоқда. Жорий йилнинг 9 ойида кичик бизнес корхоналари томонидан жами 81 триллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилган бўлиб, бу жами саноат ишлаб чиқаришининг 34,5 фоизини ташкил қилади.

Саноат ривожи экспорт ҳажмининг 24 фоиз кўпайишини таъминлади. Жумладан, енгил автомобиллар экспорти 3,3 марта, автобуслар 2 баробар, юк автомашиналари 1,5 марта, трансформатор ва аккумуляторлар 2,7 марта, кабель ўтказгич маҳсулотлари 2,2 баробар, пойабзал 2,1 марта ошган. Тайёр трикотаж ва тикувчилик маҳсулотлари 25, трикотаж мато 31, тайёр тўқимачилик маҳсулотлари 38, озиқ-овқат маҳсулотлари 14, рангли металлар ва улардан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар 45, қора металлдан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар 54 фоиз ошган.

Иқтисодиёт ва саноат вазирлигига саноат тармоқларидаги ҳолатни доимий равишда таҳлил қилиб бориш, муаммоларни тезкорлик билан бартараф этиш, ҳудудларнинг саноат салоҳиятини янада оширишга туртки берадиган тизим яратиш юзасидан топшириқ берилди. Бунда кичик ва ўрта бизнес корхоналари билан ишлашга алоҳида аҳамият қаратиш зарурлиги таъкидланди.

Йиғилишда нефть-газ тармоғидаги ишлар ҳолати ҳам таҳлил қилинди. Сўнгги йиллардаги кенг қамровли институционал ислоҳотлар доирасида нефть-газ тармоғида бошқарув самарадорлигини ошириш ва тизимни такомиллаштиришга қаратилган чора-тадбирлар аҳамияти таъкидлаб ўтилди.

Бу борада соҳадаги айрим муаммолар, белгиланган лойиҳаларни амалга оширишдаги камчиликлар муҳокама қилинди. Йил якуни бўйича эҳтимоли бўлган қолоқликлар ўрнини тўлдириш, шунингдек, 2020 йилда нефть, нефть маҳсулотлари, табиий ва суюлтирилган газ ишлаб чиқариш ҳамда тақсимлаш прогноз кўрсаткичларини шакллантириш юзасидан топшириқлар берилди.

Бунда углеводород хом ашёсини қазиб олиш ва қайта ишлаш ҳажмини ошириш, иқтисодиёт тармоқлари, аҳоли ва экспортга ёқилғини узлуксиз етказиб бериш, технологик сарф-харажат ва йўқотишларни камайтиришга алоҳида эътибор қаратиш зарурлиги таъкидланди.

Энергетика вазирлиги ва нефть-газ тармоғи корхоналари раҳбарларига нефть маҳсулотлари, табиий ва суюлтирилган газ ишлаб чиқариш ҳамда уларни иқтисодиёт тармоқлари ва аҳолига етказиб бериш прогноз кўрсаткичларининг бажарилишини таъминлаш юзасидан кўрсатмалар берилди.

Шунингдек, куз-қиш мавсумига тайёргарлик кўриш, жалб қилинаётган маблағларни мақсадли ишлатиш, нефть-газ маҳсулотлари экспорти ҳажмини ошириш учун қўшимча захираларни шакллантириш, қудуқлар кесимида қазиб чиқариш ҳажмини назорат қилиш ва ҳисобини юритиш тизимини жорий этиш юзасидан мутасаддиларга шахсий жавобгарлик юкланди.

Мазкур вазифаларни мувофиқлаштириш учун Ҳисоб палатаси, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Энергетика вазирлиги ва бошқа манфаатдор идоралар раҳбарларидан иборат таркибда Ишчи гуруҳ тузиш таклиф қилинди.

Иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳа объектларини куз-қиш мавсумига тайёрлаш борасида амалга оширилаётган ишлар юзасидан ҳисобот тайёрлаш, бунда мамлакатимиз истеъмолчиларини ёқилғи-энергия ресурслари билан барқарор таъминлаш чораларига эътибор қаратиш топширилди.

Йиғилишда муҳокама қилинган масалалар юзасидан тегишли чора-тадбирлар белгиланди.

ЎзА

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига сайлов ўтказувчи шаҳар сайлов комиссиясининг Яшнобод туманида округ сайлов комиссия аъзолари билан семинар ўтказилди.

САЙЛОВГА БАҒИШЛАНГАН СЕМИНАР

Унда қатнашчиларга туман сайлов комиссиялари олдида турган вазифалар, Халқ депутатлари шаҳар ва туман Кенгашига сайлов ўтказувчи округ сайлов комиссияларининг Сайлов кодекси 22-моддасида белгиланган ваколатларни амалга ошириш ҳамда тузиладиган сайлов участкалари жойлашуви, маркази учун ажратиладиган бинолар ва сайловчилар ҳақидаги маълумотларни ҳар томонлама аниқ ва пухта бўлишини таъминлаш масалалари атрофлича тушунтирилди.

Маълумки, Тошкентда шаҳар Кенгашига 60 та, туман Кенгашларига 327 та сайлов ўтказувчи округ сайлов комиссиялари таркиби тасдиқланган. Бугунги кунда округ сайлов комиссиялари ўзлари учун ажратилган биноларда фаолиятини бошлади.

Семинар машғулотида Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси котибияти раҳбари Х.Маматов, Марказий Сайлов комиссияси аъзоси Б.Юнусовлар иштирок этдилар.

Марказий сайлов комиссияси аъзолари семинар қатнашчиларига бугунги кунда Марказий сайлов комиссияси томонидан амалга оширилаётган ишлар, “Янги Ўзбекистон – янги сайловлар” шиори остида янги Сайлов кодексининг мазмун-моҳияти сайловчилар ва аҳолига кенг қамровли тарғибот орқали етказиш бўйича маълумот бердилар.

Семинар қатнашчилари Марказий сайлов комиссиясининг қарорига асосан 2019 йил 20 октябрдан 20 ноябрга қадар сайлов қонунчилиги тарғиботи ойлигида фаол иштирок этишларини ва сайловларни ҳар томонлама юқори савияда ўтказиш бўйича ўз фикрларини билдирдилар.

Тадбир давомида Марказий сайлов комиссияси аъзолари семинар қатнашчилари саволларига аниқ мисоллар билан жавоб бердилар.

Яшнобод тумани ҳокимлиги
Матбуот хизмати

СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАРГА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КЕНГАШИ САЙЛОВИДА ИШТИРОК ЭТИШГА ИЖОЗАТ БЕРИЛДИ

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига сайлов ўтказувчи шаҳар сайлов комиссиясининг 16 октябрдаги мажлисида сиёсий партиялар Тошкент шаҳар Кенгашларининг халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши сайловида иштирок этиш учун тақдим этган ҳужжатларини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодексининг 20 ва 89-моддаларига мувофиқ, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси, Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси, Ўзбекистон Халқ демократик партияси, Ўзбекистон Экологик партияси Тошкент шаҳар Кенгашларига халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши сайловида иштирок этишга ижозат берилди.

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига сайлов ўтказувчи шаҳар сайлов комиссияси

Анжуманлар

ОЧИҚЛИК ВА ОШКОРАЛИК ТАМОЙИЛЛАРИ АСОСИДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигида бўлиб ўтган матбуот анжумани "Давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолияти очиқлигини таъминлаш миллий тизимининг ташкилий-ҳуқуқий асослари" деб номланди.

Тадбир Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Инновацион ривожланиш, ахборот сиёсати ва ахборот технологиялари масалалари қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги Тошкент шаҳар бошқармаси ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳамкорлигида ташкил этилди.

Унда вазирликлар, давлат қўмиталари ҳамда идоралари ҳудудий бошқармаларининг маҳаллий давлат органларининг ахборот хизматлари, пойтахт туманлари матбуот котиблари ҳамда оммавий ахборт воситалари ходимлари иштирок этди.

Ахборот эркинлигини, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятида ошкораликни таъминламасдан туриб фуқаролик жамиятини қуриб бўлмаслиги ҳаммамизга аён. Шу боис ҳам сўнгги йилларда юртимизда сўз эркинлигини таъминлаш, давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолияти очиқлигига эришиш борасида кенг қамровли ишлар олиб борилмоқда.

Бу жараёнда давлат ҳокимияти бошқаруви органларининг оммавий ахборот воситалари ҳамда фуқаролик жамияти институтилари билан ҳамкорликда олиб бораётган ишлар ўз самарасини бермоқда. Айниқса Ўзбекистон Республикасининг "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида"ги Қонуни дастуруламал бўлиб хизмат қилаётир.

Анжуманда давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолияти очиқлигининг асосий принциплари, улардан фойдаланиш, ахборотларнинг ўз вақтида берилиши, ишончлилиги, ошкоралиги ва шаффофлигини таъминлаш, ахборотни излаш, олиш, тарқатиш эркинлиги ҳамда блогерлар ва сайтларнинг бугунги кундаги иш фаолияти юзасидан ҳам ўринли фикрлар алмашилди.

Жумладан, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари раҳбарларининг шунингдек, ушбу органлар томонидан ваколат берилган мансабдор шахсларнинг чиқишлари, баёнотлари, расмий веб-сайтлардаги мақолаларнинг бугунги кундаги ҳолати самарадорлиги, ахборотнинг ишончлилиги, аниқ фактлар ва далиллар билан ишлаш механизми, ютуқ ва камчиликлар борасида ҳам мулоҳазали ва мунозарали фикрлар ўртага ташланди.

Анжуманда Ўзбекистон Республикасининг "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида"ги Қонуннинг асосий мазмун ва моҳияти Давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг ахборот ресурслари ошкоралигини ҳамда улардан фойдаланишни ва кенг оммага етказишни тартибга солишдан иборат эканлиги қайд этилди.

Энг асосийси тадбирда журналистнинг теран тафаккури, тийрак нигоҳи, ўткир қалами ҳамиша ва ҳар доим холис бўлмоқлиги, ён-атрофдагиларга ва воқеага чуқур ёндашиши, факт ва далилларга асосланиб иш олиб бориши жоизлиги ҳақида ҳам таъкидлаб ўтилди.

Гулчеҳра ДУРДИЕВА

МИЛЛАТИМИЗНИ РУҲЛАНТИРГАН ЭЗГУ ТАШАББУС

Гапнинг дангалини айтганда, миллатимизнинг энг оғриқли ва ҳал этмоғимиз кун тартибида турган муаммолардан бири ўзбек тилини чин маънода миллат тилига айлантиришдек долзарб масалалардан бири эди.

Аслида шу юртда яшаб туриб тилни асраш ҳақида гапиришнинг ўзи жуда ғалати. Хизмат юзасидан кўплаб хорижий давлатларда бўлганмиз, чет элликлар билан суҳбатлашганмиз. Хорижликларни ҳайратлантирадиган жиҳати шуки, шунчалик бой тилга эътибор негадир сезилмайдиган, кўзга ташланмайдиган даражада эди. Айниқса, бу ҳолат шаҳар марказларида билинади. Номланишидан тортиб ташкилот манзилигача ўзга тилда ёзилган жойларга кўпчилигимизнинг кўзимиз тушган. Одамга алам қиладигани, ўша ерда ишлаётганларнинг деярли барчаси она тилидан унча-мунча ё хабардор, ёки хабардор эмас.

Куни кеча пойтахтимизнинг муҳташам Халқаро Конгресс марказида ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганининг ўттиз йиллигига бағишланган тантанали байрам тадбирида иштирок этиб, жуда катта ҳаяжон ва ифтихор туйдим. Сабаби, тарихимизга қарасак, ўзбек тилига бундай эътибор бўлган эмас. Тантанада назаримда барча иштирокчи ҳамюртларимизнинг кўнгли тоғлар қадар юксалди. Юраклари ғурурга тўлди, руҳланди. Бу туйғу эндиликда халқимизнинг қалбига кўчгани сира муболаға эмас.

Президентимизнинг 2019 йил 21 октябрь куни "Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони қабул қилинди. Фармонга биноан 21 октябрь санаси юртимизда "Ўзбек тили байрами куни" деб белгиланди. Тантанали маросимда эълон қилинган ушбу хушхабарни наинки йиғилиш қатнашчилари, балки бутун халқимиз катта қувонч билан кутиб олди. Бу таъбир жоиз бўлса, ўзбек тили тарихида янги даврни – яшариш даврини бошлаб берган қарор бўлди. Тилини эъзозлаган халқ ўзлигини, қадриятларини эъзозлайди.

"Дунёдаги қадимий ва бой тиллардан бири бўлган ўзбек тили халқимиз учун миллий ўзлигимиз ва мустақил давлатчилигимиз тимсоли, бебаҳо маънавий бойлик, буюк қадриятдир". Давлатимиз раҳбарининг маърузасида юқоридаги фикрлар қайта-қайта такрорланиши бежиз эмас.

Бу йил 21 октябрь санаси мамлакатимизда тилимиз ривожига оид тадбирбозликлар билан эмас, аниқ, масалаларнинг ечимини назарда тутган ишлар билан эсда қоларли бўлди. Президентимизнинг юқорида қайд этилган фармонига мувофиқ 21 октябрь санасини "Ўзбек тили байрами куни" деб эълон қилиниши билан бирга Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тузилмасида ходимларининг умумий чекланган сони 9 та штат бирлигидан иборат Давлат тилини ривожлантириш департаменти ташкил этиладиган бўлди. Ҳужжатга мувофиқ, икки ой муддатда хорижий давлатлар тажрибасини чуқур ўрганган ҳолда илмий асосланган янги сўз ва атамаларни расмий истеъмолга киритиш бўйича Атамалар комиссиясини ташкил этиш билан боғлиқ ташаббуслар ҳам ўрин олгани диққатга сазовордир. Бу тузилмалар ўзбек тилининг мавқеини асраш учун хизмат қилишига ишонамиз.

Агар ишга тизимли ёндашиб, барчамиз касбимиздан қатъи назар, биргалашиб ҳаракат қилсак, албатта, мақсадга эришамиз. Ростини айтганда, муаммоларимиз етарли. Буни ўзимиз ҳам биламиз. Ушбу тарихий ҳужжат барча тарихий масалаларни таг-туги билан ечишга калит бўлишига ишонамиз.

Нодирбек ЖЎРАҚЎЗИЕВ,
Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети бўлим бошлиғи

ТИЛГА ЭЪТИБОР – ЭЛГА ЭЪТИБОР

Тил – миллат тафаккурининг бебаҳо хазинаси. Уни кўнгил мулкининг гавҳари, дури каби сақлайдилар, ўрни келганда кўкрагини қалқон қилиб ҳимоялайдилар ҳам. Тилнинг вазифалари адоқсиз ва у ўз зиммасига юклатилган барча вазифаларини бекаму кўст адо этишга қодир.

"Давлат тили ҳақида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинганлигига 30 йил тўлиши муносабати билан "Ватанпарвар" ташкилоти Марказий Кенгаши ва Тошкент шаҳар "Ватанпарвар" ташкилоти томонидан "Тилга эътибор – элга эътибор" мавзусида ташкил этилган маънавий-маърифий тадбирда бу жиҳатлар алоҳида қайд этилди.

Унда Ўзбекистон журналистлар уюшмаси раиси С.Ҳакимов, Ўзбек Миллий академик драма театри актёри, Ўзбекистон халқ артисти Э.Комилов, "Абдулла Қаҳҳор" уй музейи директори С.Матлубова, филология фанлари доктори Х.Ҳамрақулова ва "Ватанпарвар" ташкилоти Марказий Кенгаши раиси ўринбосари М.Умаров, Тошкент шаҳар "Ватанпарвар" ташкилоти раиси А.Жумаев ва тасарруфдаги ташкилотлар ходимлари, ёшлар қатнашдилар.

Тил – миллат кўзгуси, маънавият сарчашмаси. Шу боис она тилимизни ҳурмат қилиш, унинг бой имкониятини ўрганиш барчамизнинг асосий бурчимиз бўлиши лозимлиги яна бир бора йиғилганларга тушунтирилиб ўтилди. Она тилимизни ривожлантириш юзасидан мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар алоҳида эътироф этилди. Тадбир сўнгида иштирокчиларга эсдалик совғалари топширилди.

Зиёда РАСУЛОВА

ИНСОН ҲУҚУҚ ВА МАНФААТЛАРИ ДОИМО ҲИМОЯДА

Мамлакатимизда фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш, уларнинг одил судловга бўлган ишончини янада мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 21 октябрдаги "Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонида бу борада бир қатор йўналишлар белгиланган бўлиб, улардан бири суд ҳокимиятининг мустақил тармоғи сифатида маъмурий судларни ташкил этиш билан боғлиқ муҳим жараёндир.

Конституциянинг 44-моддасида ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланган. Бу ўз навбатида мамлакатимизда маъмурий судларнинг ташкил этилиши Асосий қонунимизда мустаҳкамланган ушбу ҳуқуқларни самарали амалга оширилишини таъминлашга хизмат қилади.

Изчил ислоҳотлар давомида Президентимизнинг 2017 йил 21 февралдаги "Ўзбекистон Республикаси суд тизими тузилмасини тубдан такомиллаштириш ва фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони билан илғор хорижий тажрибани ўрганиш асосида мамлакатимизда илк маротаба давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахслари ғайриқонуний ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан фуқароларнинг судга шикоят қилиш ҳуқуқининг конституциявий кафолатларини амалга оширишни таъминлашга хизмат қиладиган Ўзбекистон Республикаси Олий судининг маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъати, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маъмурий судлари, туман (шаҳар) маъмурий судлари ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонига 1-илова тариқасида берилган "Суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш бўйича комплекс чора-тадбирлар Дастури"нинг 33-бандига асосан эса оммавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган маъмурий ишлар ва низоларни кўриб чиқиш бўйича суд иш юритуви амалга оширилишини тартибга солувчи "Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисида"ги кодекс лойиҳасининг ишлаб чиқилиши белгиланган эди.

Мустақил суд тизимининг алоҳида бўғини сифатида маъмурий судлар ташкил этилгунига қадар давлат органларининг қарорлари ва уларнинг мансабдор шахслари ҳаракатлари устидан шикоятларни кўриб чиқиш Фуқаролик процессуал ва Хўжалик процессуал кодексларига мувофиқ фуқаролик ишлари бўйича судлар ва хўжалик судлари томонидан, маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар эса Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга мувофиқ жиноят ишлари бўйича судлар томонидан амалга оширилган эди.

Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекс, Ўзбекистон Республикасининг "Судлар тўғрисида"ги ҳамда Ўзбекистон Республикасининг "Фуқаролик процессуал ҳамда Хўжалик процессуал кодексларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонунларига мувофиқ, оммавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган маъмурий низолар ва маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ваколати янги ташкил этилган Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туман (шаҳар) маъмурий судларига ўтказилди.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, маъмурий судлар ўз ҳуқуқий асосларига кўра қуйидаги тоифадаги ишларни кўриб чиқади:

Биринчидан, оммавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, шунингдек, уларнинг мансабдор шахсларининг хатти-ҳаракатлари (қарорлари) устидан маъмурий низолар – яъни ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилаётган шахс (аризачи) томонидан берилган шикоят ва аризалар бўйича ишлар;

Иккинчидан, қонун билан уларнинг ваколатига киритилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқади. Бунда эса аксинча, давлат органи ташаббускор бўлади, шахс эса ҳуқуқбузарлик содир этишда айбланади ва уни жазолаш тўғрисидаги ишлар.

Жиноий, фуқаролик, иқтисодий судлар билан тенг мақомда ташкил этилган маъмурий судлар ўз ваколатларига кирувчи ишларни юритишда ўзига хос бўлган жиҳатлари билан алоҳида ажралиб туради.

Хусусан, маъмурий судда оммавий-ҳуқуқий муносабатларни юритишнинг фуқаролик процессидан ажратиб турадиган фарқли жиҳати — унда бир тарафда албатта давлат бошқаруви органлари, маъмурий-ҳуқуқий фаолиятни амалга оширишга ваколатли бўлган бошқа органлар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва улар мансабдор шахслари қатнашади.

Фуқаролик-процессуал муносабатларда бир томонда ўз манфаатларини ҳимоя қилувчи шахс фуқаро ҳисобланади. Иқтисодий муносабатларда эса ҳар иккала томонда ҳам ўз манфаатларини ҳимоя қилиш учун юридик шахслар, мулкдорлар иштирок этиши мумкин. Маъмурий суд ишларини юритишда мансабдор шахслар хусусий шахс сифатида эмас, балки ўзи фаолият кўрсатаётган идора, ташкилотнинг вакили сифатида иштирок этади. Шикоятчи низолашаётган хатти-ҳаракат ҳам ушбу шахс томонидан ўз хизмат вазифасини бажаришга қаратилган хатти-ҳаракат сифатида талқин этилади.

Бир сўз билан айтганда, маъмурий суд ишларини юритиш ўзида бир тарафда фуқаро, иккинчи тарафда эса давлат бошқаруви органларининг, маъмурий-ҳуқуқий фаолиятни амалга оширишга ваколатли бўлган бошқа органларнинг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ва улар мансабдор шахслари ўртасидаги маъмурий-ҳуқуқий низоларни ҳал этишнинг махсус процессуал тартибини белгилайди.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2018 йил 19 майдаги 15-сон "Маъмурий ишларни кўришда биринчи инстанция суди томонидан процессуал қонун нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида"ги қарори 3-бандида қуйидаги мазмунда тушунтириш берилган:

"Маъмурий ва бошқа оммавий ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқса-да, қонунда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судига, фуқаролик ишлари бўйича судга, иқтисодий ва ҳарбий судга тааллуқлилиги белгиланган низолар бўйича ишлар маъмурий судга тааллуқли эмас.

Агар ариза маъмурий орган бўлмаган корхона, ташкилот, муассаса ҳужжатини ҳақиқий эмас деб топиш ёки унинг мансабдор шахси ҳаракатсизлигини (ҳаракатсизлигини) ғайриқонуний деб топиш тўғрисида берилган ёхуд ариза (шикоят) маъмурий органга нисбатан берилган бўлиб, аммо устидан шикоят берилаётган ҳаракат меҳнат муносабатларидан келиб чиққан бўлса, бундай талаблар маъмурий суд судловига тааллуқли эмас".

Ушбу қоида таҳлил этиладиган бўлса, агарда низо маъмурий ва бошқа оммавий ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиққан бўлсаю, бироқ қонунда ушбу низо Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судига, фуқаролик ишлари бўйича судга, иқтисодий ва ҳарбий судга тааллуқлилиги белгиланган бўлса, ушбу низо маъмурий судда ҳал этилиши мумкин эмас деган фикрга келиш мумкин.

Амалдаги қонунчилик талабларига мувофиқ маъмурий судларда:

– Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судига ("Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида"ги Қонунининг 4-моддаси);

– фуқаролик ишлари бўйича судларга (Фуқаролик процессуал кодексининг 26-моддаси);

– иқтисодий судларга (Иқтисодий процессуал кодексининг 25-моддаси);

– ҳарбий судларга (Ўзбекистон Республикасининг "Судлар тўғрисида"ги Қонунининг 41-моддаси) тааллуқли бўлган ишлар кўриб чиқилмайди.

Мамлакатимизда янги ташкил этилган маъмурий судлар эса идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар юзасидан низолашиш тўғрисидаги; давлат бошқаруви органларининг, маъмурий-ҳуқуқий фаолиятни амалга оширишга ваколатли бўлган бошқа органларнинг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ва улар мансабдор шахсларининг қонун ҳужжатларига мос келмайдиган ҳамда фуқаролар ёки юридик шахсларнинг ҳуқуқларини ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузадиган қарорлари, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) юзасидан низолашиш тўғрисидаги; сайлов комиссияларининг хатти-ҳаракатлари (қарорлари) юзасидан низолашиш тўғрисидаги; нотариал ҳаракатни амалга ошириш, фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзишни рўйхатга олиш рад этилганлиги ёки нотариуснинг ёхуд фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органи мансабдор шахсининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) юзасидан низолашиш тўғрисидаги; давлат рўйхатидан ўтказишни рад этиш ёхуд белгиланган муддатда давлат рўйхатидан ўтказишдан бўйин товлаш устидан шикоят қилиш тўғрисидаги ишларни ҳал қилади.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, Президентимиз Ш.Мирзиёев томонидан суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар, айниқса, маъмурий судларнинг ташкил этилганлиги ва маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекснинг қабул қилинганлиги ушбу соҳада янги саҳифани очиб берди. Маъмурий судларнинг ташкил этилиши эса фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича судларнинг ҳамда иқтисодий судларда иш юритишни янада мақбуллаштиришга, фуқароларнинг оммавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари билан боғлиқ низоларни ҳал этишга ҳамда ҳал қилув қарорларининг қонуний, асосли ва адолатли чиқарилишига, одил судловнинг сифатини янада оширишга хизмат қилади.

С.ЮЛДОШЕВ,
Миробод туман маъмурий судининг раиси,
С.ТАЛИПОВ,
Миробод туман маъмурий судининг судьяси

ХХІ аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Наманганда Олий Мажлис Сенати аъзолари, халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутатлари, сиёсий партиялар вилоят кенгашлари ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларнинг раҳбарлари, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок ида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг йигирма учинчи ялпи мажлисида муҳокама этилган қонунлар мазмун-моҳияти ва аҳамияти тарғиботига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

● Андижонда Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси вилоят кенгаши ташаббуси билан "Биз коррупцияни илдизи билан қуритамиз!" шиори остида митинг ва юриш ўтказилди. Тадбирларда партиянинг сайловолди дастурида қонун устуворлигини таъминлаш, жиноятчиликнинг олдини олиш, айниқса, жамият тараққиётига рахна солаётган коррупцияга қарши курашиш, ушбу иллатни бартараф этишга кенг жамоатчилик эътиборини қаратиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилганлиги таъкидланди.

● Фарғона шаҳрида Шарқий ҳарбий округ матбуот хизматининг мультимедиа маркази (ҳарбий студияси) фаолият кўрсатишни бошлади. Янги замонавий ахборот технологиялари ва рақамли ускуналар билан жиҳозланган марказнинг очилиш маросимида Мудофаа вазирлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши аъзолари, округ қўмондонлиги офицерлари, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, оммавий ахборот воситалари ходимлари ва ёшлар иштирок этди.

● Бухоро шаҳридаги "Дилкушо" теннис марказида Халқаро теннис федерацияси (ITF) мусобақалари туркумига кирувчи, мукофот жамғармаси 15 минг долларга тенг "Фьючерс" турнири бўлиб ўтди. Ўзбекистон Теннис федерацияси ва Бухоро вилояти ҳокимлиги ҳамкорлигида ташкил этилган турнирда Ўзбекистон, Беларусь, Грузия, Россия, Қозоғистон, Қирғизистон, Украина, АҚШ каби давлатларнинг 60 нафар ракетка устаси иштирок этди.

● Қарши шаҳридаги вилоят мусиқали драма театри олдидаги майдонда Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси томонидан "Бирмиз. Қўлни қўлга берамиз!" шиори остида шоу тарзида оммавий тарғибот тадбири ўтказилди.

ЖАҲОНДА

● Вьетнамдаги судлар бир куннинг ўзида гиёҳванд моддалар савдоси билан шуғулланган фуқароларнинг 11 нафарини ўлимга маҳкум этди. Яна уч киши худди шу айблов билан бир умрлик қамоқ жазосига ҳукм қилинди. Дастлаб Ҳошимин суди 8 нафар наркотик сотувчи дилерни ўлимга маҳкум этди ва бир нафарини умрбод озодликдан маҳкум қилиш ҳақида ҳукм чиқарди. Кейинроқ Сон Ла вилоят суди 3 нафар фуқарони наркотик савдосида айблаб, уларга нисбатан ўлим жазосини белгилади. Бир нафари умрбод қамалди, яна бир киши 18 йил муддатга озодликдан маҳрум этилди. Бундан ташкари, наркодилерларнинг бири қидирувда. Уни полиция ва махсус хизмат вакиллари изламоқда.

● Мамлакат бош вазири томонидан жараённи орқага суриш ва унинг кескин натижаларини юмшатиш юзасидан тегишли чора-тадбирлар амалга оширилаётган бўлишига қарамай Буюк Британия 31 октябрда Европа Иттифоқи таркибидан чиқишини маълум қилди.

ҚИСҚА САТРЛАРДА

● Яшнобод туманида яна бир мактабгача таълим муассасаси янгиланиб фойдаланишга топширилди.

● Ноябрь ойида шаҳримизда "Тоза шаҳар" экоакцияси бошланади.

● Юнусобод туманида жойлашган 220-умумтаълим мактабида ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганининг 30 йиллигига бағишлаб "Она тилим қалбим қуёши" мавзуида маънавий-маърифий тадбир ўтказилди.

● Халқаро маданият карвонсаройида россиялик фоторассом Александр Маркевичнинг "Қизил денгизнинг сув ости дунёси" номли шахсий фотокўргазмаси бўлиб ўтмоқда. Кўргазмада муаллифнинг 70 та асари тақдим этилган бўлиб, 24 октябрга қадар давом этади.

МИЛЛИЙ ТАОМЛАР ФЕСТИВАЛИ

Ўзбек миллий пазандачилиги ҳамда унга боғлиқ урф-одатларимиз дунё аҳлига маълумдир. Масалан, миллий таомимиз – палов ЮНЕСКОнинг репрезентатив номоддий маданий меросларрўйхатига киритилгани шох таомимизнинг дунё наздидаги юксак ўрнини кўрсатиб туради.

Ўзбек халқининг минг йилликлар, узоқ асрлардан буён қон-қонига сингиб кетган миллий анъаналар, андиша, катталарга ҳурмат, муомала маданияти, одоб-ахлоқ каби миллий ва диний қадриятларни талабалар ўртасида тарғиб қилиш, уларнинг маънавиятини юксалтириш, ватанпарварлик, фахр-ифтихор каби туйғуларини кучайтириш мақсадида Ўзбекистон ёшлар иттифоқи “Ёшлик” талабалар шаҳарчаси Етакчилар Кенгаши томонидан Тошкент давлат техника университетига қарашли 9 та талабалар турар жойларида истиқомат қилувчи 2500 га яқин талабалардан иборат жамоалари ўртасида “Миллий таомлар фестивали” ташкил этилди.

Тадбирда “Ёшлик” талабалар шаҳарчаси ҳокими Қ.Шоназаров, “Ёшлик” шаҳарча Кенгаши раиси З.Саъдуллаев, ТДТУ ёшлар масалалари бўйича проректор М.Атамуратов, талабалар турар жойлари дирекция директори А.Алиқулов ва олий таълим муассасаси профессор-ўқитувчилари иштирок этиб, ўз тилакларини билдиришди. Ҳар бир талабалар турар жойида истиқомат қилувчи ёшлар турли усулдаги паловларни тайёрлаб ҳакамларга тақдим этишди. Ғолиб жамоалар эсдалик совғалари ва фахрий ёрлиқлар билан тақдирланди.

— Бундай фестивалларни тез-тез ўтказиб туриш муҳим, — дейди ТДТУ 56-сонли талабалар турар жойи тарбиячи-педагоги Ў.Қурбонов. — Сабаби бизлар бир мақсад йўлида бирлашишга, жамоа бўлиб ишлашимизга тўғри келди. Бу эса ҳамжиҳатлик билан кўп нарсага эришиш мумкинлигини яна бир бора исботлади. Бундан ташқари, талабаларнинг бўш вақтини мазмунли ўтишига хизмат қилди.

Президентимиз томонидан илгари сурилган 5 муҳим ташаббус доирасида яъни ёшларнинг мусиқа, рассомлик, адабиёт, театр ва санъатнинг бошқа турларига қизиқишларини ошириш мақсадида фестиваль давомида концерт дастури, футбол мусобақаси, турли хил саҳна кўринишлари талабалар эътиборига ҳавола этилди.

Нигора АЛИМОВА,
Тошкент архитектура қурилиш институтининг катта ўқтувчиси

ҚИЛМИШИГА ЯРАША ЖАЗО ОЛДИЛАР

Қаҳрамонимиз Толиба Қосимова асли наманганлик. Бир муддат Туркияга бориб энагалик қилганлардан. Кейинчалик бу иш жонига тегдими ўзбекистонлик қизларни Истамбулга чорлаб, фоҳишалик қилишга ундади.

Бу ишда унга шаърий никоҳдаги эри Равшан Маҳмудов кўмак берди. Иккала уюшган гуруҳ аъзоларидан бир неча ўзбек қизлари жабр кўрган. Ана шулардан бири Гулнора Азимовадир. Унинг сўзлаб беришича, 2016 йилнинг апрель ойида Толиба билан интернет тармоғи орқали танишиб қолган. Толиба Гулнорага Туркияга келиб ишлашни, мўмай даромад топишини таклиф қилади.

Шундан сўнг Гулнора Толибага фуқаролик паспорти ва суратини “телеграм” орқали юборади. Толиба унга Тошкент–Истамбул рейсига авиачипта олиб беради. 2016 йил 21 июнь куни у Истамбул шаҳрига учиб боради. Аэропортда уни Толиба кутиб олиб, ўзи яшайдиган хонадонга етаклайди.

— Мени уйда Толибанинг қозоғистонлик Дилбар исмли жияни, турмуш ўртоғи Равшан акалар кутиб олишди, – дейди Г.Азимова. — Шу куни Толиба мени дўконга олиб бориб, кийимлар олиб берди. Шундан сўнг 15 кун давомида текинга авиачипта ва бошқа харажатлар учун ишлаб бердим. Биз яшайдиган кўп қаватли уйда “Жахан” исмли турк фуқаросининг бир нечта хонадонлари бор эди. Бир кунда ҳар хил мижозни қабул қилардик. Бир куни Толиба менга бошқа таниш қизлар бўлса, ишга чақиришни сўради. Дугонам Умида билан гаплашиб, унга Туркиянинг Истамбул шаҳрига келиши ниятн бор-йўқлигини сўрадим. Толиба интернет орқали Умида билан гаплашиб, уни ҳам Туркияга чақиртирди.

2016 йилнинг август ойида Умида Файзиева ҳам Туркияга келиб, улар яшаётган фоҳишахонага келиб қўшилади. Ҳар куни бир хил иш бўлгани учун қизлар қийналиб кетишади. Айрим пайтлари иш ҳақи қизларга берилмасди. Умида норози бўлиб, уйга қайтишини айтди. Аммо Толиба кетишга рухсат бермади. Ва ниҳоят 2016 йил сентябрь ойида у Ўзбекитсонга қайтиб келди.

Уюшган жиноий гуруҳ раҳбари Т.Қосимованинг вазифасига Ўзбекистон Республикасидан ёш қизларни Туркия давлатида ишлаб яхши маош олишлигини айтган ҳолда уларни келишга қизиқтириш, сўнг ўзи ва уюшган жиноий гуруҳ аъзоси Р.Маҳмудов билан биргa жабрланувчиларга авиачиптани олиб бериши кирган. Бевосита шу йўл билан уларни Туркия давлатига кириб келишига эришганлар.

Уюшган жиноий гуруҳ иштирокчилари 2015-2016 йиллар давомида Туркия давлатининг Истамбул шаҳрида Наманган вилоятида яшовчи дастлабки тергов даврида шахсини аниқлаш имкони бўлмаган “Дилшода” ва “Дилдора” исмли қизларни интернет тармоғидаги сайтга жойлаштириб, ушбу сайтга Толибанинг телефон рақамини ёзиб, мижозларни жалб қилиб, қизларни эксплуатация қилиб фойдаланиб келганлар.

Жиноий гуруҳ аъзолари 2017 йил 16 февраль куни яна бир ватандошимизни Тошкент–Истамбул йўналиши бўйича расмийлаштирилган электрон авиачипта олиб бериб, аэропорт орқали Ўзбекистон Республикасидан Туркия давлатига чиқартириб юбормоқчи бўлганларида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари томонидан қўлга олинади.

Судда Т.Қосимова ва Р.Маҳмудовлар айбларига тўлиқ иқрорлик билдирди.

Суд ҳар иккаласига Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 135-моддаси 3-қисми “г” банди билан Жиноят кодексининг 57-моддасини қўллаб, 5 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлади.

Дурдона ДАДАХОНОВА,
жиноят ишлари бўйича Чилонзор тумани суди судьяси

Реклама ва эълонлар

“Respublika mulk markazi” МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига Тошкент шаҳар ҳокимлиги “Муниципал активларни бошқариш маркази” ДУКга тегишли, Тошкент шаҳрининг Шайхонтоҳур тумани, Кўкалдош мадрасаси ва “Чорсу буюм бозори” АЖ оралиғида жойлашган қуйидаги Кўчар савдо расталарига бўлган ижара ҳуқуқи такроран қўйилмоқда. Савдо расталарига бўлган ижара ҳуқуқининг бошланғич баҳоси – 5 000 000 сўм. Ҳар бир савдо расталарига бўлган ижара ҳуқуқи шартномаси 5 йил муддатга тузилади.

Аукцион савдоси 2019 йил 30 октябрь куни соат 15:00 дан бошлаб ўтказилади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2019 йил 28 октябрь куни соат 18:00 гача. Юқоридаги савдо расталар 2019 йил 30 октябрь куни сотилмаган тақдирда такрорий савдоси 2019 йил 6, 13 ноябрь кунлари соат 15:00 да. Такрорий савдоларга аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 6 ноябрдаги савдо учун 4 ноябрь, 13 ноябрдаги савдо учун 11 ноябрь куни соат 18:00 гача. Савдо ғолиби деб топилган шахсга 10 кун ичида сотувчи билан ижара ҳуқуқи шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади. Савдода иштирок этиш учун ариза, закалат пули тўланганлиги ҳақидаги тўлов ҳужжати нусхаси, вакиллар учун ишончнома тақдим этилади.

Талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан мулк бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини “RMM” МЧЖнинг ХАТБ “Давр банк” Олмазор филиалидаги қуйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: ҳ/р: 22604000200571452001. МФО: 01121. СТИР: 200933850. Аризаларни қабул қилиш ва савдо ўтказиш манзили: Тошкент шаҳри, М.Улуғбек тумани, Ҳамид Олимжон кўчаси, 13А-уй. Телефон: (90) 977-82-55. Гувоҳнома № 001805

“Respublika mulk markazi” МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига Тошкент шаҳар ҳокимлиги “Муниципал активларни бошқариш маркази” ДУКга тегишли, Тошкент шаҳрининг ҳудудларида (Сайилгоҳ кўчасида) жойлашган қуйидаги енгил турдаги 31-сонли замонавий кўчар павильонларга бўлган ижара ҳуқуқи такроран қўйилмоқда. Павильонга бўлган ижара ҳуқуқининг бошланғич баҳоси – 8 000 000 сўм. Павильонга бўлган ижара ҳуқуқи шартномаси 5 йил муддатга тузилади.

Аукцион савдоси 2019 йил 30 октябрь куни соат 15:00 дан бошлаб ўтказилади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2019 йил 28 октябрь куни соат 18:00 гача. Юқоридаги савдо расталар 2019 йил 30 октябрь куни сотилмаган тақдирда такрорий савдоси 2019 йил 6, 13 ноябрь кунлари соат 15:00 да. Такрорий савдоларга аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 6 ноябрдаги савдо учун 4 ноябрь, 13 ноябрдаги савдо учун 11 ноябрь куни соат 18:00 гача. Савдо ғолиби деб топилган шахсга 10 кун ичида сотувчи билан ижара ҳуқуқи шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади. Савдода иштирок этиш учун ариза, закалат пули тўланганлиги ҳақидаги тўлов ҳужжати нусхаси, вакиллар учун ишончнома тақдим этилади.

Талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан мулк бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини “RMM” МЧЖнинг ХАТБ “Давр банк” Олмазор филиалидаги қуйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: ҳ/р: 22604000200571452001. МФО: 01121. СТИР: 200933850. Аризаларни қабул қилиш ва савдо ўтказиш манзили: Тошкент шаҳри, М.Улуғбек тумани, Ҳамид Олимжон кўчаси, 13А-уй. Телефон: (90) 977-82-55. Гувоҳнома № 001805

Реклама ва эълонлар

АИТБ “Ипак йўли” банк комплекс суғурта (Bankers Blanket Bond) шартномасини тузиш учун суғурта ташкилотлари орасида танлов муддатини узайтириш ҳақида маълум қилади

Акциядорлик инновация тижорат банки “Ипак йўли” банк комплекс суғурта (Bankers Blanket Bond) қилиш бўйича шартнома тузиш мақсадида суғурта ташкилотлари орасида танлов муддатини узайтириш ҳақида маълум қилади.

Танловда иштирок этиш ва танловга оид ҳужжатларини олиш учун қуйидаги манзилга мурожаат қилишингиз мумкин: Тошкент шаҳри, А.Қодирий кўчаси, 2-уй. Индекс: 100017

Танлов ҳужжатларини қабул қилишнинг сўнгги куни 2019 йил 4 ноябрь соат 12.00 гача.

Мурожаат учун телефон: (78) 140-69-39, (78) 140-69-00 (ички 1258).

Тошкент шаҳри Юнусобод тумани Давлат хизматлари маркази томонидан 03.07.2017 йилда № 529750-сонли реестр рақам билан рўйхатдан ўтган “CHEMPION IBRAGIM” ОК (СТИР 304969530) таъсисчиларнинг 17.09.2019 йилдаги № 246-сонли қарорига асосан

ТУГАТИЛАДИ

Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой муддат ичида Юнусобод тумани, С.Юлдашев 1-тор кўчаси, 1-уй манзилида қабул қилинади. Телефон: +99891 135-31-32.

ПУДРАТЧИ ТАШКИЛОТЛАР ДИҚҚАТИГА!

Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани, “24/7-электрон офис” шоҳобчасига (ўртача 20 кв.м., 4х5) Юнусобод тумани, А.Темур шоҳ кўчасида жойлашган “HUMO” автосалони рўпарасидаги автобус бекати ёнида ажратилган жойга қуриладиган “24/7-электрон офис” шоҳобчаси учун лицензияси бор, камида 5 йил тажрибага эга қурилиш ташкилотлари ўртасида

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛИНАДИ

Танловни ўтказиш тартиби ва шартлари тўғрисидаги батафсил маълумотни қуйидаги манзилдан олиш мумкин: Тошкент шаҳри, Уч-Қаҳрамон кўчаси, 7-уй.,

Телефонлар: (371) 221-00-01, (71) 221-82-09.

Нархлари фоизда ёки сўмда кўрсатилган тижорат таклифлари алоҳида конвертга жойланган ва корхона муҳри билан тасдиқланган ҳолда эълон чиққан санадан бошлаб 5 кун муддат ичида қабул қилинади.

“Тошкент шаҳар ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри” давлат корхонаси томонидан Юнусобод тумани, 8-мавзе, 45-уй, 42-хондонда жойлашган “SHODNUR SERVIS” МЧЖ га берилган 10070603020149 рақамли кадастр ҳужжатлари ва 02.03.2010 йилда бино-иншоотга берилган ТА 0901447-сонли кадастр гувоҳномаси йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

1-Тошкент тиббиёт институти томонидан 2011 йилда Тургунова Камилла Тахировна номига берилган № 299443 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент тиббиёт академияси томонидан 2012 йилда Астанова Гўзал Каримовна номига берилган В № 540088 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент шаҳри Олмазор туманидаги 261-сонли мактаб томонидан 1998 йилда Атамедова Нигора Нигматджановна номига берилган UZ I № 307156 рақамли шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент Давлат медицина институти томонидан 1979 йилда Мухаммад Зухайр Абдалла номига берилган ДИ # 049117 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент давлат техника университети томонидан 2016 йилда Айтуғдиев Равшан Улуғбекович номига берилган № 2217 рақамли рейтинг дафтарчаси йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Низомий номли Тошкент давлат педагогика институти томонидан Садикова Лола Хасановна номига 1996 йилда берилган № 017857 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Юнусобод тумани хамкоробод кўчаси, 21-22 ер бўлаклари учун фуқаро Мўминов Бехзод Тешаевич номига Юнусобод туман кадастр хизмати томонидан берилган кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Ўз=ўз ўрганиб доно бўлур

ДОНИШМАНДЛАР ХАЗИНАСИДАН

Дўстликдан қимматбаҳо совға йўқ.

* * *

Ҳотам бўлгину мақтанмагин.

* * *

Минг китобнинг мазмуни бир байтда бўлиши мумкин.

* * *

Яхшилик душманингда бўлса ҳам олиб қолишга интил.

* * *

Ёмонликнинг олдини олмаган одам жоҳилдир.

* * *

Жоҳил одам ўзига ўзи душмандир. Чунки унинг разолати ўзига ҳам зарардир.

* * *

Ўз ютуғини таърифлаб, ўзгалар камчилигини гапирадиган одам пасткашдир.

* * *

Ҳақиқий инсон ўзини таърифламай, ўзгани ғийбат қилмай юрган инсондир.

* * *

Бахтсизликнинг энг яхши давоси у ҳақда ўйламаслик. Зероки, у ҳақда гапирсанг, бахтсизлик сенга яна қайтаверади.

* * *

Нодон ҳамма нарсага афсуслана-ди, доно эса, вазминлик билан муҳим ишни ўйлайди.

* * *

Ақлли ва покиза одамга интил, ёлғончи ва нодондан қоч.

* * *

Жуда қўпол ҳам, қайсар ҳам, ўта юмшоқ ҳам бўлма: зероки қўполлик кишиларни ғазаблантиради, қайсарлик кишиларни сендан қочиради, ўта ҳалимлик эса, кишиларда ишончсизлик туғдиради.

* * *

Бировлар билан боғлиқ ишдан қоч. Ўзингга алоқадор ишгагина интил.

* * *

Аниқ, амалга ошадиган истакнигина орқасидан юр.

Хасисни пул билан, мағрурни ялиниш билан, нодонни ялпоғлик, донони ҳақгўйлик билан енгиш мумкин.

* * *

Инсон қизиқ: сал нарсага кеккаяди, сал нарсага руҳан тушиб кетади.

* * *

Ҳамиджон ҲОМИДИЙ тайёрлаган

ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ

*Тошкент шаҳрида **26 октябрь** куни ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 3-8 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси – 6-8, кундузи – 21-23 даража илиқ бўлади.*

*Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, **26 октябрда** Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратади, ифлосланиш даражаси паст бўлади.*

Тошкент оқшоми

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: (0-371) 233-28-95 факс: (0-371) 233-29-55

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@umail.uz

Буюртма Г- 1046

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 1355 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Топшириш вақти: 13.00

Нашр учун масъул О. Ҳазратов

Босишга топширилди: 03.40

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

1 2 3 4 5